

Ислом ва Пушкин

17:12 / 19.04.2017 4665

Пушкиннинг Ислом билан танишуви унинг Шимолий Кавказ, Қримга сафари чоғида юз берди. У мусулмонларнинг масжидларида бўлди, Қуръон тиловатларини тинглади, мусулмонларни катта қизиқиш билан кузатди. Ва булар таъсирида унинг “Кавказ асири”, “Боғчасарой фонтани” ва “Қуръонга тақлид” асарлари пайдо бўлди.

Пушкиннинг Шарқ, Ислом ва Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламга илиқ муносабати замондошларини ҳайрон қолдирарди. Унинг дўстлари ва танишлари уни “Муҳаммаднинг ҳаворийси” деб аташарди.

“Боғчасарой фонтани” шеърига эпиграф қилиб Саъдийнинг ижодидан фойдаланган шоир, ўз шеърида шарқона жумлалар, шарқона одоб ва ахлоқ фазилятларини акс эттирган.

“Татар кўшиғи” шеърида “Қуръоннинг муқаддас насихатлари” деб номланиб, Ҳажнинг адо этилиш тартиби, шаҳидларнинг мукофоти – Жаннат ҳақида мисраларни ўқишингиз мумкин.

1795 йилда М.Веровкин томонидан қилинган Қуръоннинг рус тилидаги таржимасини ўқигач Ислом ва Қуръон, Пайғамбар алайҳиссаломга бўлган юксак ҳурмати ва эътибори янада ортиб, бунинг таъсирида Пушкиннинг “Қуръонга тақлид” асарида кўриш мумкин. Бу асар нафақат унинг ижоди, балки бутун рус адабиётида алоҳида ўрин тутиб, бошқаларнинг ҳайрат ва қизиқишларига сабаб бўлди.

“Қуръонга тақлид” тўққиз қисмдан иборат бўлиб, унинг ҳар бир қисмида шоир алоҳида мавзуга мурожаат этади. Бу асарнинг қимматлилиги шундаки, унда Қуръон оятлари мазмунидан келиб чиқиб ёзилган байтларни кўп учратиш мумкин.

Асарнинг биринчи қисми “Тоқ ва жуфт нарсаларга қасам...” деб бошланади ҳамда унда Қуръон нузули, Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам ва Ҳақ Кунга ишонган ҳар қандай кишига нисбатан Аллоҳнинг муҳаббати акс этган.

Иккинчи қисм Муҳаммад алайҳиссаломнинг аёллари – мutoҳҳарo, мўъмина оналаримиз р.а.га бағишланган. Унда ҳам Қуръон калималари мазмуни

уфуриб турибди.

Учинчи қисмининг асосида “Абаса”, “Ҳаж” суралари ётади. У кўр кишининг (Абдуллоҳ ибн Мактум) келиши билан бошланади.

Асарнинг бешинчи қисмида Буюк Яратувчи ва Аллоҳ субҳаноҳу ва таолога ҳамдлар, Унга илтижолар жо бўлган. Шоир Аллоҳга “бизни зулматдан нурга олиб чиққан Қуръонни нозил қилганинг учун шукр. Шу туфайли биз жаҳолатдан маърифатга юз бурдик. Туманлар тарқаб, мусаффолик ҳис этдик” дея миннатдорчилик билдиради.

Шеърнинг олтинчи қисми бутпараст ва мушриклар билан жанг қилиб, жанг майдонларида ҳалок бўлган қаҳрамон саҳобийлар – шаҳидларга бағишланади. Унда ҳалок бўлганларни кутаётган Жаннат гўзал тасвирланади.

Еттинчи қисмида Пушкин “Оли Имрон” сурасидан оятлар келтирилади:

Тур, ўранма:

Ғор – маконда,

Чироқ турибди,

Ёниб тонггача.

Дил ибодати

Ила йўқотгин

Ташвишли ўйлов

Қўрқинч тушларни.

Тонггача намозда

Қоим бўл, эгил,

Самовий Китобни

Тонггача ўқи!

“Ғор-макон” дейилганда Ҳиро тоғи назарда тутилган.

Шеърнинг саккизинчи қисми – бу “етимларни севинг” даъватига чуқур эҳтиромдир.

Сўнгги тўққизинчи қисмида шоир Қуръоннинг икки сураси билан “сўзлайди”. Унда Аллоҳга зорланган йўловчининг ожизлиги, Ер ва само Яратувчисининг марҳамати ҳикоя қилинади.

Ислом мавзуси Пушкинни ҳеч қачон тарк этмаган. “Амаллар ниятларга кўрадир” сўзлари Қуръон ва Ҳадисда кўп такрорланади. Пушкиннинг “Борис Годунов”даги қуйидаги сатрлар айнан ушбу ҳадисдан олинган:

Сенинг сўзинг, амалингга одамлар эрур ҳакам,

Қалбингиздаги ниятни кўрувчи ёлғиз Эгам.

Юқоридаги сўзлардан ҳам билиш мумкинки, буюк рус шоири Исломга хайрихоҳ бўлган. Исломнинг илгари сурган ғоялари, Қуръоннинг гўзал калималари, мусулмонларнинг ўзаро ҳурмати, меҳрибонлиги уни ҳам илҳомлантириб, қалбида эзгуликларни жо бўлишида восита бўлган экан.

Гўзал Муҳиддинова